

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 18 (9.821)

2003 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида, корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш **мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгаришларининг гоят муҳим устувор йўналишлари** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига тақдим этсин, унда хусусий корхоналарни ташкил қилиш ҳамда унинг фаолияти тартиби, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликнинг устувор даражада ўсишини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва преференциялар тизими кўзда тутилсин.

2. Акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблансин ҳамда уни асосан хусусий мулк сифатида сотиш амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:  
2003-2004 йилларда устав жамғармасидаги давлат улу-

ши 25 фоиз ва ундан камроқ бўлган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлат пакетларини фонд бозорида босқичма-босқич сотсин;

икки ҳафта мuddатда мазкур Фармоннинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда 2003-2005 йилларга мўлжалланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

2003 йилнинг 1 февралидан бошлаб очик акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси буйича 50000 АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этади;

очик акциядорлик жамиятлари 2004 йилнинг 1 январига қадар ўзларининг устав жамғармаларини юқорида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган суммага етказишлари шарт, акс ҳолда улар белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга, асосан хусусий корхоналарга айлантирилади;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг сони 50 та юридик ва jisмоний шахслардан ошиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 декабрдаги Ф-1680-сон Фармоийиши билан тузилган хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари буйича махсус комиссия (Р.Азимов)

(Давоми 2-бетда.)

## XXI саҳоси

### Мамлакатимизда

● АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИСПАНИЯ ҚИРОЛИ ХУАН КАРЛОС БИРИНЧИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 2003 ЙИЛ 27-29 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИДА БЎЛАДИ. ТАШРИФ ЧОҒИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ, ТОМОНЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН ХАЛҚАРО МУАММОЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛИШИ, ШУНИНГДЕК ҚАТОР ИККИ ТОМОНЛАМА ХУЖАТЛАР ИМЗОЛАНИШИ КУТИЛМОҚДА.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оксаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари буйича ўринбосари Элизабет Жонси қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш жараёни, халқро майдондаги вазият ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари буйича ўринбосари Элизабет Жонс бошчилигидаги делегация вакиллари, шунингдек, вазирлик ва идораларда ўтказилган учрашувларда ҳам қатнашишди.

● Тошкентда Инвестиция муассасалари миллий уюшмасининг навбатдаги йилгилиши ўтказилди. Унда уюшманинг 2003 йилда амалга оширадиган вазифалари белгилаб олинди. Шуни айтиш керакки, жорий йилнинг апрель ойида мамлакатимиз қимматбахо қозғолар бозорини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида Корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро анжуманни ўтказиш режалаштирилмоқда.

### Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Коррея халқ демократик республикасини ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномадан чиқиш тўғрисидаги қарорини қайта кўришга қачирди.

● Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ижроия қўмитаси мазкур ташкилотнинг Бош директорлиги лавозимига дэввогар 5 та номзодлар рўйхатини эълон қилди. ЖССТ раҳбарлигига сайловлар жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтади.

● Германиянинг Бовария федерал ўлкаси пойтахти Мюнхен шаҳрида қурилиш махсулотлари ва «БАУ-2003» технологияларининг 15-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Кўргазма доирасида республикамиз иқтисоди ва қурилиш имкониятларини таништириш маросими элчихонамиз ва «Сименс» компанияси ҳомийлигида бўлиб ўтди.

● АҚШнинг Денвер шаҳрида ҳавада иккита кичик самолёт тўқнашиб кетиши натижасида уларнинг парчалари турар жой даҳаси устига тушди. Натижада ёнгин рўй бериб уч нафар учувчи ҳалок бўлди.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

### Қисқа сатрларда

□ **ЁШЛАР** орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш масалаларига бағишланган республика семинари **ЭРТАГА** Шайхонтохур туманидаги 324-мактабда бўлиб ўтади.

□ **«ЙИЛ** мактаби — 2002» — аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг якуний босқичи **ЭРТАГА** республика таълим марказида ўтказилади. Танловда Тошкент шаҳридан Ҳамза туманидаги 307-мактаб қатнашади.

□ **«АДВОКАТ»** журнали тахририяти ташаббуси билан Миллий матбуот марказида факулдада вазиятларда содир этилган воқеаларни ёрнтаётган журналистлар маҳоратини оширишга мўлжалланган семинар уюштирилди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар хўжалик судида 2002 йил-

да хўжалик низоларини ҳал этиш буйича қилинган ишлар ва жорий йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган ҳисобот-йилгилиши ўтказилди.

□ **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан тумандаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштрокида харбий хизматга тайёрлов машғулотлари бўлиб ўтмоқда.

□ **МАННОН** Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институтида талабалар ҳамда ўқитувчилар иштрокида Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида ўтказилган анжуман ёшлар тарбиясида санъатнинг ролига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Кейинги йилларда юртимизда уй-жойлар қурилиши борасида янги ҳуқуқий муносабатлар юзага келди. Яъни уй-жой жамғарма ҳисобларини очиб ва турар жойларни харид қилиш учун имтиёзли кредитларни беришдек давлат фаолиятни амалга оширувчи «Ўзуйжойжамғармабанк» муҳим акционерлик жамғарма банки намунали иш юртимокда.

**СУРАТДА:** «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлимида мижозларга доимо тез ва сифатли хизмат кўрсатилади.

Сергей Любичч олган сурат. (Банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат турлари, акцияларнинг навбатдаги эмиссиялари тўғрисидаги материаллар ўрин олган саҳифани газетанинг 4-5-бетларида ўқийсиз)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИЎзбекистон иқтисодиётида хусусий  
секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки кўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда уstav жамғармасини белгиланган миқдорда шакллантира олмаган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш борасида мазкур бандда кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ушбу муддатни узайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизда бартло этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга солиқдан озод қилинсин.

5. Кузатувчи кенгаш қарорини давлатга тегишли акциялар пакетининг ишончли бошқарувчиси ёки давлатнинг ишончли вакили розилигисиз қабул қилиш мумкин бўлмайдиган;

давлатнинг ишончли вакили акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган;

акцияларнинг давлат пакетларини хўжалик бирлашмаларининг уstav жамғармасига ишончли бошқариш ҳуқуқи билан топширишга йўл қўйиладиган тартиб бекор қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, тегишли тармоқларда ягона техникавий сийёсати амалга ошириш уюшмалар, компаниялар, корпорациялар ва концернларнинг энг муҳим вазифаси

ҳисобланади ҳамда улар ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмаслар.

7. Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари билан биргаликда 2003 йилнинг биринчи ярмида уstav жамғармалари тегишли тармоқлар корхоналарининг давлат активлари ҳисобига тузилган хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини чуқур ўрганиш.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича қуйидагиларни кўзда тутуви таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига асосан аралашувига йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлаш;

корхоналарни хом ашё ва товармоддий ресурслар билан таъминлашнинг бозор механизмларини тўла миқёсда жорий этиш, уларнинг уюшмалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари орқали тақсимланишига йўл қўймаслик;

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарув компанияларининг ишончли бошқарувига босқичма-босқич топшириш.

8. Акциядорлик жамиятлари ижрочи органларининг, аввало директорлар корпусининг акциядорлар олдидagi масъулиятини ошириш ҳамда улар

фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

директорни (бошқарув раисини) тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, асосан танлов йўли билан қабул қилинади;

директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузилади ва ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши, айрим ҳолларда эса кузатувчи кенгаш томонидан ана шу муддатни узайтириш ёки тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиб турилади;

ижрочи орган томонидан келгуси йилга ишлаб чиқиладиган корхона бизнес-режаси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки унинг топшириги бўйича кузатувчи кенгаш томонидан тасдиқланиши лозим. Ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш ана шу бизнес-режанинг энг муҳим кўрсаткичлари бўлиши керак;

директор (акциядорлик жамиятининг ижрочи органи) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётгани тўғрисида ҳар чорақда кузатувчи кенгаш олдида ҳисобот беради. Кузатувчи кенгаш йиллик бизнес-режа кўп равишда бузилган ёки унинг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод этилган ҳолларда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқига эга;

ижрочи директорларни ва кузатувчи кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

9. Белгилансинки, кузатувчи кенгашлар аъзоларининг фаолиятини уларнинг мазкур акциядорлик жамиятларидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомни қайта кўриб чиқсин.

10. Акциядорлик жамиятлари учун раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби таркибига Корпоратив бошқарув маркази ташкил қилинсин ҳамда унинг зиммасига кузатув кенгашларининг аъзолари ва директорлар корпуси учун корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, самарали менежмент бўйича ўқув курсларини ташкил этиш вазибалари юклансин.

11. «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорига хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 24 январь

Христофор Колумб, Руи Гонсалес де Клавихо, Мигел Сервантес... Бундай тарихий шахслар ҳақида эшитишимиз билан кўз олдимизга Испания келиши табиий. Дунёдаги энг йирик 50 мамлакатдан бири бўлган Испания қироллиги нафақат Европа ва Африка қитъалари туташадиган ҳудудда, балки уларни Америка билан боғловчи сув ҳамда ҳаво йўллари кесишган нуқтада ҳам жойлашган.

Бу жўрофий қулайлик бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имконият яратди. Айниқса, бевосита денгизга чиқолмайдиган мамлакатлар учун Испания портларидан фойдаланиш уммон ортга юк ташини ва келтиришни осонлаштириши, йўл ҳақини арзонлаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Испания қироллиги билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатия муносабатлари расман 1992 йилнинг баҳорида ўрнатилган бўлса ҳам, халқларимиз орасидаги бордикелди олис мозийга бориб тақалади. Амир Темур билан Испания қиролининг тарихий ёзишмалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу мактубларнинг асл нусхалари дунёнинг энг машҳур кутубхоналарида қимматли бойлик сифатида сақланаётгани икки ҳукмдорнинг турли масалалар бўйича маслаҳатлашувлари ҳақон айвонидаги ўзгаришларга қанчалик таъсир кўрсатганидан далолатдир.

Испаниянинг машҳур тарихчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йили қирол топширигига биноан Самарқандга элчи бўлиб келгани яхши маълум. У ўз ташрифи чоғида Соҳибқирон билан бир неча марта учрашган. Амир Темур шахсининг қанчалик улуглигини, Самарқандда кўрганларини эсдаликларидега ёзиб қолдирган.

Темурийлар даври тарихини ўрганишда ҳозиргача Клавихонинг ана шу асарларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривож топшишига эса мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ катта эътибор берилган бошлангани таъкидламоқ керак. Бу ҳамкорликнинг дебочаси сифатида икки мамлакат ишби-

лармонлари иштирокида «Медиз» қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур қўшма корхонада Марказий Осиёда биринчи бўлиб бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарилди. Илгари бундай тиббий ашёлар валютага хориждан келтирилган эди.

Испаниянинг «Феберсанитас» фирмаси ҳамкорлигида Тошкентда иш юритаётган мазкур қўшма кор-

## • ТАШРИФ

ҚИТЪАЛАР ТУТАШГАН  
МАМЛАКАТ

хонанинг дастлабки маҳсулоти меҳрибонлик уйларига ҳада этилганини айтиб ўтиш жоиз. Кейинчалик бир марталик шприцлар кетма-кет шифохоналар, тиббиёт муассасаларига жўнатила бошлади. Шу билан бирга, маҳсулунинг муайян қисмини экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Корхона фаолият бошлаган даврда хом ашё фақат Испаниядан келтирилган бўлса, ҳозир технология жараён маҳаллий хом ашёга мослаштирилган. Дастлаб йилга 100 миллион дона 2,5 ва 10 граммли шприц ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич янада ошган, маҳсулот тури ҳам кўпайган. Жумладан, қанд касаллиги билан хасталанган беморларга ва чақалоқларни эмлашга ишлатиладиган бир граммли шприцлар тайёрланмоқда.

1995 йили Испаниянинг яна бир йирик фирмаси

«Индустриал Технолоҗика Лайнтекс Ветерани С.А.» Тошкентда ваколатхона очди. Шунингдек, айнан мана шу фирма Самарқанддаги тўқимачилик фабрикасига сармоя киритди.

«Бухоро вилоятида сув таъминотини яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги ҳукумат қарорини ҳаётга тadbик этишда ҳам испаниялик ишбилармонлар билан кенг ҳамкорлик қилинмоқда.

Хусусан, вилоят «Сувоқова» бошқармаси Испаниянинг «Дегрмон Медико Амбьенте С.А.» компанияси билан сув насослари, тақсимлаш ва лаборатория-ўқув мосламалари етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик сирасига мамлакатларимиз олий ўқув юрталари ўртасидаги алоқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Давлат ҳақон тиллари университетини Испаниянинг Гранада ва Алкада де Энарес университетлари билан икки мамлакатнинг маданиятини, таълим тизимини ўрганишда қулайликка эришиш учун дарслик ҳамда турли адабиётлар айирбошлашга келишди олган. Ана шу келишувга кўра, 1998 йили мамлакатимизда испан тили ва маданияти маркази ташкил қилинди.

Испания қитъаларни туташтирган мамлакат, дедик. Ўзбекистон эса асрлар давомида бутун дунёни қизиқтириб келган Марказий Осиё минтақасида ўз салоҳиятини ва мавjud имкониятлари жиҳатдан етакчи ўрин тутди. Демак, тенг шериклик асосидаги ҳамкорликдан ҳар икки томон бирдай фойда кўради. Президент Ислоом Каримовнинг Испанияга бошланаётган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗА





**Оланга  
нима ган?**

Жаҳон ва маҳаллий ахборот  
воситалари хабарларидан

◆ Грузия телевидениеси чечен жангариларининг «Ал-Қоида» ташкилоти билан ҳамкорлиги доирасида кўрсатув намойиш этди. Махсус хизмат вакили томонидан яширин камера орқали Панкис дарасида суратга туширилган видео тасмада жангарилар базаси ва Усама бин Лоденнинг яқин ёрдамчиси Абу Халси ҳам тасвирланди. Интерполнинг фикрича Абу Халси бин Лоден ҳақида кўп маълумотларга эга. Шунингдек, видеотасмада даррадаги 800 га яқин чечен ва 100 га яқин араб жангарилари ҳам ифода-ланган бўлиб, Грузия давлат хавфсизлиги вазирлигининг айтишича, улар махсус операция ўтказиш йўли билан Панкисдан чиқариб юборилган.

◆ «The Economist» журналі 143 мамлакат ўртасида ўтказилган «Дунёнинг энг қиммат шаҳарлари» йиллик тадқиқот шундай натижани кўрсатди. Жумладан, Япония пойтахти Токио биринчи, Осака эса иккинчи ўринга лойиқ топилган. Учинчи ўринни эса Норвегиянинг Осло шаҳри эгаллаган. Тўртинчи ўринда Гонконг, бешинчида Либревиль (Габон пойтахти), олтинчи ўринда эса Цюрих шаҳарлари эътироф этилган. Европанинг энг қиммат шаҳри Лондон эса 7-ўринга лойиқ кўрилган. Париж—10, Нью-Йорк—11, Москва—42-ўринларни банд этган.

◆ Хитой ҳукумати мамлакатда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони бугунги кунга келиб 59,1 миллионни ташкил этишини расман маълум қилди. 2002 йилда бу кўрсаткич 31 миллионни ташкил этган бўлса, эндиликда Хитой Японияни ортда қолдириб, дунё бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

◆ 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг кўпчиликка танилган Катарнинг «Ал-Жазира» телеканали билан «Би-би-си» корпорацияси ўртасида ҳамкорликда ахборот узатиш тўғрисида шартнома тузилди. Мазкур келишувга биноан иккала томон бир-бирига турли хил хизмат кўрсатади.

◆ Кубанинг етакчиси Фидель Кастро ҳақида «Команданте» фильмини суратга олган машҳур кинорежиссёр Оливер Стоун Ёсир Арофатга бағишланган «Персона нон грата» ҳужжатли фильми лойиҳасини тугатмоқда. 56 ёшли режиссёрнинг қайд этишича, унинг ушбу фильми Яқин Шарқдаги зиддиятни тўлароқ ёритиб беради.

◆ Кентукки округи судьяси Дэн Баллу ўша ерда яшовчи икки нафар ўсмирни автомобилда тезликни оширганилари учун 50 марта ётиб-туришга ҳукм қилди. Судья ўсмирларга катта жазирама солмаслик ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиб қўймаслик учун ана шундай қарорга келган. Судьянинг бундай қарори кўпчилик учун қутилмаган ҳодиса бўлди.

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

**Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан  
Тошкент шаҳрини ташқи безаш танлов низоми**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан пойтахт марказий кўчалари ва майдонларини ташқи безаш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда малакали ва ҳаваскор расомлар, корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тадқим этилган ишларда Наврўз халқимизнинг энг қадимий ва энг миллий байрами эканлиги, халқимизнинг улуғвор ва бунёдкорлик ишлари, ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш гоёси, мунис ва меҳрибон ота-оналаримизни улуғлаш ва қадрлаш каби қадриятларимиз байрамона мавзуларда шодиёна акс эттирилмоғи лозим.

Танловга юборилган ишлар (лойиҳалар) махсус ҳайъат томонидан кўриб чиқилади.

Танлов қатнашчилари ўз асарларини куйидаги ҳажмда тақдим этишлари лозим:

1) Хомаки рангли расм (эскиз) 60x80 см ҳажмдаги планшетда

2) Альбом шаклида

Лойиҳа танловга яширин ном билан тақдим этилади. Алоҳида хатжилда муаллиф исми-шарифи, шунингдек унинг манзили кўрсатилган бўлиши керак.

Лойиҳанинг 2003 йил 15 февралдан кечикмасдан тақдим этилиши сўралади.

Ўз ҳажми ёки материали бўйича танлов шартларида жавоб бермайдиган лойиҳалар, шунингдек кўрсатилган муддатдан сўнг тақдим этилган лойиҳалар ҳайъат томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлов натижалари бўйича, ҳайъат томонидан маъқулланган эскизлар муаллифнинг ўзи томонидан асосий ўлчамда «Безаш» ёки «Рассом» комбинатларида ижро этилиши мумкин.

Лойиҳалар куйидаги манзилда қабул қилинади.  
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 11.  
Ободонлаштириш бош бошқармаси, 1-қават, 9-хона.  
Маълумот учун телефонлар: 133-35-14, 133-72-71.



Келажакимиз бўлган ҳажжи ўғил-қизларимиз мактабданоқ билим олишга қизиқлари ортиб, дарсларда фаол қатнашиб, товлари дилини чоғ қилмоқдалар. Бунда кунда қайси бир боғча ёки мактабга болалар билан суҳбатлашманг, улар нечоғли ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб, муқил фикрлай оладиган, билимдон эканлигига гувоҳ бўласиз. Бундай ақли терилмга чанқоқ фарзандларимизнинг келажаклари порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқ. Ушбу суратда кўриб турганингиз қора кўзи ширинтойлар ҳам устозлари берган саволларга катта қизиқиш билан жавоб қайтаришга ошиқмоқдалар.

**ТАЪЛИМ**

**Дипломлар инглиз тилида  
ҳимоя қилинмоқда**

Тошкент автомобиль йўллар институти талабалари ўз соҳасига оид билимлардан ташқари инглиз тилини ҳам пухта ўрганмоқдалар. Олий ўқув юртида алоҳида инглиз тили кафедрасининг ташкил топиши айни мuddао бўлди.

Иқтидорли талабалар ва магистрантлар факультети очилиши ҳам инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди. Бу ердаги бир қатор машғулотлар шу тилда олиб борилмоқда.

Яқин келгусида факультетда барча дарслар инглиз тилида ўтилади.

Кўрилатган бу каби маърифий тадбирлар натижасида кўплаб талабалар ўз диплом ишларини инглиз тилида ҳимоя қилишга ўтидилар.

Айни вақтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг маъ-

руза матнлари, айрим дарсликлар инглиз тилида ёзилганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

«Автомобиль ва трактор двигателлари» ва «Машина деталларини тиклаш технологияси» деб номланган дарсликлар инглиз тилига таржима қилинди. Бу ўқув адабиётлари босмага тайёрланиб, уларни чоп этиш тараддуди кўрилмоқда.

Факультет учун кутубхонадан алоҳида хоналар ажратилди. Уларни инглиз тилида чоп этилган қўлланмалар билан таъминлашга киришилди.

Акбар АЛИЕВ

**ТАДБИРЛАР**

Яккасарой тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими шаббаскорлигида «Миллий истиқлол йили» «Хавфсизликнинг олдини олиш» каби мавзуларда тадбир бўлиб ўтди.

**Очиқ мулоқот**

Тумандаги «Хуршид» маданият уйида ўтказилган ушбу тадбирда туман ҳокимининг иккинчи масалалар бўйича ўринбосари Рашод Инон «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Муҳаббат Фозилова ҳамда прокурор Ҳамид Ҳақимовлар сўзга чиқишиб, юртимиздаги долзарб мавзулар юзасидан фикр-мулоқотларини билдиришди, йиғилганларни мулоқот қорлашди.

Ўтказилган ушбу тадбирдан асосий мақсад моатчилик онгида гоё, мафкура тушунчалар шакллантиришдан иборат. Зеро, онгида ёт фикрлар учун ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаган, ўзини яқин англаб етган кишигина юртига муносиб занд бўла олади.

Орзугул РУСТАМ



Алоқа оламида

Испан тилидаги Web-сайт

АҚШ ҳукумати яқин орада испан тилидаги махсус Web-сайтини очишга қарор қилди.

АҚШ Савдо вазири Дональд Эванснинг сўзларига кўра, испан тилида сўзлашувчи америкаликларнинг асосий қисми демократлар тарафдори экан.

Эслатиб ўтаман, АҚШ ҳудудида испан тилида сўзлашувчилар сони қарийб 39 миллионни ташкил қилади.

Ригада мобил телефонларни улоқтиришди

Агар Москва остонасидаги Краснознаменск шаҳри клавиатура улоқтириш бўйича чемпионати билан машғур бўлиб улгурган бўлса, Латвия пойтахтида кўнгил очишининг бундан ҳам осонроқ йўлини ўйлаб топишди.

Риганинг марказида бўлиб ўтган мусобақада уч юздан ортиқ киши иштирок этди. Уларга изғирин қиш ҳавоси ҳам халақит бера олмади ва мусобақа муваффақиятли ўтказилди.

Бунинг сабаби совуқ ҳаво ва югуриш йўлакчасининг музлагани бўлди, — дея изохлади дунёнинг энг кучли найза улоқтирувчиларидан бири, Латвия рекордчиси Эрикс Рагс.

Усмон ЙЎЛДОШЕВ

Жаҳонда болалар муаммолари

Тошкентда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан тайёрланган «Жаҳонда болаларнинг аҳоли маърузасининг тақдимоти бўлиб ўтди».

Қабул қилинган халқаро конвенцияга мувофиқ ушбу маъруза ҳар йили тайёрланади. Унда жаҳонда таълим, болалар саломатлигини сақлаш, шунингдек болаларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кўриб чиқилади.

Маърузада Ўзбекистонда болалар саломатлигини сақлаш муаммолари хусусида ҳам гап кетди. Республика бош педиатри Дилором Аҳмедова сўзга чиқиб, мамлакатда туғилиш ва болалар ўлими бўйича қатор статистик маълумотларни келтирди.

Дилором Аҳмедованинг таъкидлашича, республикада «Она ва бола скрининги», «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу мазкур салбий ҳодисаларни бартараф этишга кўмаклашади.

Республикада таълим масаласи бўйича Халқ таълими вазирлиги вакили Жамолиддин Фозилов сўзга чиқди. Унинг айтишича, ҳукуматнинг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтган йили кам таъминланган оилаларнинг болалари 70 фоиз ўқув дарсликлари, 100 фоиз иссиқ кийимлар билан таъминланди.

Ушбу тақдиротда БМТда бўлиб келган болалар ҳам иштирок этди. Улар анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон болалар парламенти, «Демерис» мактаб республикаси фаолияти билан таништирди.

«Туркистон-пресс».



— Яна ичяяпсанми? Бизда ишламаган тишламайди... — Шунинг учун мен ҳам газаксиз ичяяпман. Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

• Футбол «Пахтакор» — кучли тўртликда

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари Кубогининг ярим финалида Латвиянинг «Сконто» жамоаси билан куч синашган «Пахтакор» футболчилари учрашувнинг асосий вақтида рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди.

«Пахтакор»дан юз ўғирди. Фақат Гочкули Гочкулиевгина 11 метрлик жаримани аниқ бажарди ва «Сконто» 5:3 ҳисобида ғолиб чиқишга эришди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2003 йил 16 январдаги 10-0304/252 сонли ажримига асосан «Қудрат қурувчи» масъулияти чекланган жамиятини иқтисодий ноҳор (банкрот) деб топиш бўйича иш очилган.

Манзили: А.Темур кўчаси, 95-уй, 2-қават, 7-хона.

Телефон: 137-55-48.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

27 ЯНВАРДАН 2 ФЕВРАЛГАЧА

27 январда:

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида муаллим режиссёр З.Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» бадий фильми соат 11.00, 13.00, 17.00 да, кичик залда эса «Телба» ҳинд бадий фильми соат 12.00, 15.00, 18.00 да намойиш этилади.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида Усмон Азим асари «Алпомишнинг қайтиши» спектакли соат 18.00 да бошланади.

Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида қозоқ драматурги Д.Ҳасанов асари «Эрим ман дейди» комедияли спектакль премьераси соат 14.30 бошланади.

28 январда

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Назира Аҳмедова номидаги кўрик-танлов қатнашувчидан концерт соат 18.00 да бошланади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида С.Имомов «Шайтон ва фаришталар» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

«Қозоғистон» номли кинотеатрда «Плутто Нешанинг гузашлари» янги Америка бадий фильми премьераси соат 12.00 да намойиш этилади.

29 январда

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида Т.Минулин асари «Алмандар уйланармиш» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

«Қозоғистон» номли кинотеатрда «Фақат ҳозир ўқиб» (Агент-007) Америка бадий фильми соат 14.30 да намойиш этилади.

«Илҳом» ёшлар театрида «Арт» номли спектакль соат 18.30 да намойиш этилади.

30 январда:

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Шекспирнинг «Отелло» операси соат 18.00 да бошланади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида С.Имомов асари «Эргинамининг орузи» спектакли соат 18.00 да бошланади.

Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида Р.Бобонов асари «Тоға, хиянлар» спектакли соат 14.30 да бошланади.

Республика кўғирчоқ театрида «Аёзбобо» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

31 январда:

Йўлдош Охунбоев номидаги ёш томошабинлар театрида «Аловуддиннинг сеҳри қироғи» спектакли соат 11.00 да намойиш қилинади.

1 февралда:

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида С.Имомов асари «Супер қайнона» спектакли соат 17.00 да намойиш қилинади.

Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида «Яратган ёмондан асрасин» спектакли соат 14.00 да бошланади.

Республика кўғирчоқ театрида «Ким миёвлади?» спектакли соат 11.00, 13.00 да намойиш этилади.

2 февралда:

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Шелкунчик» балети соат 17.00 да бошланади.

Table with circus and show information including dates, names, and prices. Header: «Уздавцирк» республика бирлашмаси Тошкентбўй Эгамбердиев номи Тошкент Давлат цирки.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳоқимлиги. Бюрогма Г-09.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-51-26.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563.

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.